

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

“ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ” ФАКУЛЬТЕТИ

“КЎПРИКЛАР ВА ТРАНСПОРТ ТОННЕЛЛАРИ ” кафедраси

«Тасдиқлайман»:

каф. муdiri «К ва ТТ»

_____ к.т.н. Миралимов М.Х.

«_____» _____ 2013г

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “М-34 Тошкент-Душанбе автомагистрал йўлининг 94-километридаги темир йўл коллектори устидан ўтган кўприкнинг лойиҳаси ва қурилиши”,
(комплекс мавзу), II-қисм (қурилиш).

Бажарди:

БМИ раҳбари:

Маслаҳатчи:

Тўхтамишев Аброр Абитович

Миралимов Мирзохид Хамидович

доц. т.ф.н. Арипов Х.

Тошкент- 2013

МУНДАРИЖА

№	Номланиши	Бет.
1	КИРИШ	
2	УМУМИЙ БЎЛИМ	
3	МУХАНДИС-ГЕОЛОГИК ТАСНИФ	
4	КЎПРИК КОНСТРУКЦИЯСИ	
5	КЎПРИКНИ ҚИРҒОҚ БИЛАН ТУТАШМАСИ	
6	ҚУРИЛИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УЧУН КЎРСАТМАЛАР	
7	МЕҲНАТ ВА АТРОФ МУХИТ МУҲОФАЗАСИ	
8	ХУЛОСА	
9	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАР	

КИРИШ

Ҳаракат жадаллиги ва ҳавфсизлиги, шунингдек кўприкдан янада оғирроқ юкларни ўтказиш имкони каби асосий характеристикаларини ўзгариши кўприк иншооти реконструкциясида кўзда тутилади. Реконструкция одатда ўз ичига кўприкнинг кўтариш қобилияти кўприк қопламаси конструкцияси, габаритлар, ҳаракат тасмалари сони, кўприк таги бўшлиғи ўлчамларининг ўзгаришини кўзда тутди. Кўприк иншооти реконструкция қилинганда айтиб ўтилган характеристикаларнинг биронтаси ёки бир нечаси ўзгартирилади.

Ана шундай ҳоллардан яна бири мен лойиҳалаётган автомобил кўпригида ҳам мавжуд. Бу кўприк реконструкция қилинаётган автомобил йўлида қурилаётган бўлиб, у ўздан янги ва замонавий деб аталаётган юк ва табларни ўтказиш оладиган қилиб лойиҳалаш кўзда тутилган. Бугунги кунда мамлакатимизда қурилаётган ва қурилиши мўлжалланаётган сунъий иншоотлар асосан темир бетондан қурилаётган бўлиб биз ёш мутахассисларни вазирамиз уларни янги материаллардан қуриш ҳолатини тасдиқлаш ва қуришдир.

Кўприк қуришда индустриалаштириш даражасини кўтариш янада мукамалроқ технологик усуллардан фойдаланиш, қурилишни машинавий ишлаб чиқаришга айлантириш ҳисобига, яъни замонавий усулар асосида қуришни ташкил қилиш ва эффектив технологиялардан фойдаланиш, шунингдек ишларни механизациялаштириш даражасини юқорига кўтариш ва иқтисодий жиҳатдан арзон конструкциялардан фойдаланиш билан бажарилади.

Транспорт ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим соҳасидир. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш, халқ хўжалигининг юксалиши, ташқи ва ички иқтисодий алоқалар, кишилар ҳаёти, уларнинг ўзаро муносабатлари, ишнинг ташкил қилиниши, даволаниш ва дам олиш, маданий бойликларни айирибошлаш саноат ва озиқ-овқот молларига бўлган эҳтиёжни қондириш булар ҳаммаси кўпроқ транспорт билан боғлиқ.

Умумий транспорт воситалари орқали, яъни темир йўл, ҳаво йўли, сув йўли, қурув ва автомобил йўллари орқали ҳар хил ҳажмдаги халқ хўжалик юклари ҳар хил масофаларга ташилади. Республика бўйича транспортда ташилаётган юкларнинг 80% дан кўпи автомобил транспорти зиммасига тўғри келади. Автомобил транспортининг қулайлик томони унинг эшикдан-эшикгача хизмат кўрсатишидир. Автомобил транспорти барча турдаги транспорт воситаларини бир-бири билан боғлайди. Секин-аста автомобил йўллари ва ундаги сунъий иншоотларга бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда. Автомобилларнинг ривожланиши ўз навбатида йўл ва ундаги сунъий иншоотларга бўлган талабни кучайтиради. Автомобил йўли орқали ташиладиган юкларнинг таннархи кам ёки кўп бўлиши йўл ва ундаги сунъий иншоотларни ҳолатига ва шароитига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Туркистоннинг марказида жойлашганлиги ва унинг худудидан ҳамма томонларга йўл мавжуд бўлганлиги туфайли мамлакатимиз

қадимдан Буюк ипак йўлидаги чорраҳа сифатида дунёга машҳур бўлиб келган. Замоनावий йўллар барпо этилса мамлакатимиз бундан кейин ҳам шундай бўлиши муқаррар.

Ўтмишда йўлларга бўлган талаб бошқа эди. Қолаверса Чор Россияси ва собиқ Совет иттифоқи даврида Туркистонда йўл қуриш ишлари мустамлакачилар манфатини ҳимоя қилувчи фалсафа асосида амалга оширилган. Энди қуриладиган замоनावий йўллар мустақиллик фалсафасига, жумладан коммуникация мустақиллиги концепциясига асосланади.

Жаҳонда автомобил саноати ва йўл қуриш техникаси ҳамда технологиясининг ривожланиши натижасида автомобил йўлларида фойдаланиш юк ташишнинг энг қулай, арзон ва тез услубига айланди. Юклар эшикдан эшикга, яъни моллар ишлаб чиқарилган жойдан истеъмол қилинадиган жойга бевосита ташиб борилиши мумкин бўлди. Бундай имконият денгиз, ҳаво ва темир йўллар транспортларида йўқлиги ҳаммага аён. Аммо ушбу қулайлик авто транспортларнинг юқори тезликда бетўхтов юришига замин яратиб бера оладиган йўлларнинг барпо этилишини тақозо қилади. Таклиф қилинаётган лойиҳа асосида қуриладиган Миллий автомагистрალი нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда замоनावий талабларга жавоб бера оладиган автомобил йўли қурилишининг биринчи қадами бўлиб қолади.

Республиканинг барча гўшаларида автомобил йўллари ва шу билан бир қаторда унинг ажралмас бўлаги бўлган сунъий иншоотлар ҳам қурилаяпти. Кўприклар, йўл ўтказгичлар ва эстокадалар асрлик иншоот бўлиб ҳисобланади. Шундай экан бу иншоотлар мукамал конструкция ва деталлар билан қурилиши шарт, акс холада уни фойдаланиш нархи қурилиш тан нархидан қимматга тушиб кетиши мумкин.

Йўллар ва кўприкларда автомобил қатнови ошиб бориши, бу айниқса йирик шаҳарлар ҳудудида кўпроқ кўринади, транспорт воситаларидаги ўққа тушадиган оғирлик кучининг ошиши, кўприк қурилишида вақтинчалик оғирлик кучи таъсирига букилишга чидамли енгил ва қайишқоқ материалларни қўллашга эътиборни оширади, бу эса кўприк конструкциясига алоҳида юқори талабларни келтириб чиқаради. Кўприк конструкцияларини чидамлилиқ ва узок хизмат қилиш меъёрларига, ҳамда эстетик, технологик ва фойдаланиш талабларига жавоб бериши керак.

Бу йўл Республикаимизнинг Андижон вилояти сарҳадларидан то Кунгирот шаҳри чегарасигача қадимий буюк ипак йўли бўйлаб 1209км узунликда қурилаяпти. Бундан ташқари Бухоро-Алот(15км) Самарқан –Ғузор (152) ва Бухоро-Қарши-Ғузор - Термиз (195км) йўли ҳам ушбу қарор асосида қайта қурилиш кўзда тутилган. Шундан асфальтбетонли қопламали қисми 809км, цементбетонли қоплама қисми 400 кмни ташкил қилади.

Бу йўлни қайта қуришнинг моҳияти нафақат транзит йўлни таъминлаш, балки Ўзбекистон республикаси иқтисодининг ўсиши учун ҳам катта замин яратади, зеро АҚШ собиқ президенти айтганидек “Америка йўллари йўл

қилган Америка эмас, аксинча Американи Америка қилган унинг йўллариدير”. 20 асирнинг 50 йилларида жаранг солган ушбу цитата хали хануз эскиргани йўқ, ҳақиқатан ҳам далаат риожланишининг асосий омили бу атомобил йўллари тармоғининг мукаммалигидадур. Шундай экан бугунги риожаланаётган давлатимизнинг ривожланиш негизи ҳам айнан республикамиздаги мукамал атомобил йўли тармоғига боғлиқдир.

Жойнинг иқлим шароити

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ - ЎзР таркибидаги вилоят. 1963 й. 16 фев.да ташкил этилган. Шим.дан Қозоғистон Республикаси, шарқдан Тошкент вилояти, жан.дан Тожикистон Республикаси ва ғарбдан Жиззах вилояти б-н чегарадош. Майд. 5,3 минг км. Аҳолией 667748 киши (2003). Таркибида 9 туман (Боёвут, Гулистон, Меҳнатобод, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сирдарё, Ховос, Шароф Рашидов) (туманлар ҳақида алоҳида мақолаларга қаранг, мае. Боёвут туманы), 5 шаҳар (Гулистон, Бахт, Сирдарё, Ширин, Янгиер), 6 шаҳарча (Боёвут, Деҳқонобод, Дўстлик, Пахтаобод, Сайхун, Ховос) ва 75 қишлоқ фуқаролари йиғини бор (2004). Маркази — Гулистон ш.

Табиати. Рельефи, асосан, тўлқинсимон текислик бўлиб, жан.дан шим.ғарбга пасайиб боради. Мирзачўл даштининг бир қисми вилоят ҳудудига киради. Бал. шим.да 230 м, марказий қисмида 400—450 м, жан. ва жан.ғарбда 600—650 м. Шарқда кенг Сирдарё водийси жойлашган. Мезозой ва кайнозой даврида, асосан, чўкинди жинсларнинг қалин қатлами б-н қопланган. Шўрўзак, Мирзаработ, Сардоба каби ботиқлар мавжуд. Текислик қисми дарёлар оқизиб келтирган ётқизиклардан ҳосил бўлган, баъзи жойларини кўл, ботқоқ ва шўрхоқ ерлар эгаллаган. С.в.да янги каналлар, зовурлар қазилиб, чўл ўзлаштирилди ва экин майдонларга айлантирилди. Текислик қисмида ирригация иншоотлари қурилиб, пахтазор, боғ ва тоқзорлар барпо қилинди. Адирлар лалмикор ерлар ва яйловлардан иборат.

Об-ҳавоси кескин ўзгарувчан ва қуруқ. Йиллик ўртача т-раси 14°. Янв.нинг ўртача т-раси шим.да —6°, жан.да —2°. Қишда ҳаво тез совийди ва тра —30° гача (Гулистонда —35°) пасаяди. Баъзан, қиш ўрталарида ҳаво бирданига исиб, кейин совиб кетади. Кеч кўкламда ва эрта кузда ҳам кора совуқ тушиб ўсимликнинг ўсиш даврини қисқартиради. Ёзи қуруқ ва иссиқ. Июлнинг ўртача т-раси 27—29°. Ёзда тра 32—45° гача кўтарилади. Кўпинча иссиқ шамол (гармсел) тупроқни қуритади ва ўсимликлар ривожланишига ёмон таъсир қилади. Вегетация даври 218 кун. Йиллик ёгин 180—220 мм, асосан, қишда ёғади. Ёзда кучли буғланиш сабабли ер ости сувлари юза майдонларнинг (Шароф Рашидов, Оқолтин, Гулистон туманлари) тупроғини шўр босади. Нояб.дан мартгача тезтез эсиб турадиган «Бекобод шамоли» тезлиги 20—25 м/сек. (Боёвут туманида 40 м/сек.)га етади. Баҳорда эсадиган бу хилдаги шамол униб чикаётган ғўзаларни баъзан нобуд қилади. Кейинги йилларда ихота дарахтзорлари барпо қилинди.

Тупроклари, асосан, оч тусли кучсиз жойлашган бўз тупроқ бўлиб, кам ва ўртача шўрланган, механик тартибига кўра, қумоқ ва соз тупроқлардир. Текисликларда шўрхоқ ва шўрхоқсимон тупроқ учрайди. Ер ости сувининг чуқ. 5—6 м. Шўрўзак массивида, ҳали ўзлаштирилмаган пастқам жойларда шўрхоқлар кенг тарқалган. Суғориладиган ерларнинг 32% шўрланган, 25% кучсиз шўрланган, 16% шўрхоқлардан иборат. Ўсимликлардан лолақизғалдоқ, бойчечак, чучмома, қоқи ялпиз, исмалоқ, янтоқ, шўра, шувок, кўнғирбош, кўзиқулоқ, туятовон, қуёнсуяк. жузғун, қовул, оққурай, қилтиқ, каррак, ранг, илоқ, бетага, қиёқ, қамиш, юлғун, оқбош, қушқўнмас, наъматак, мингбоши, читир, ғумай, печак, саксовул, ҳар хил буталар, жийда, дўлана, тол, терак, қайрағоч, оқ акация, заранг, шумтол ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан: жайра, тулки, бўри, чиябўри, қобон, жайран, нутрия, ондатра, кўрсичқон, сувкаламуш, типратикан, юмронқозик, калтакесак, илон, тошбақа, фаланга, чаён, қорақурт; қушлардан хўжасавдогар, мойқут, булдуруқ ва б. бор.

МУХАНДИС – ГЕОЛОГИК ТАСНИФИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ тупроқлари, асосан, оч тусли кучсиз жойлашган бўз тупроқ бўлиб, кам ва ўртача шўрланган, механик тартибига кўра, қумоқ ва соз тупроқлардир. Текисликларда шўрхоқ ва шўрхоқсимон тупроқ учрайди. Ер ости сувининг чуқ. 5—6 м. Шўрўзак массивида, ҳали ўзлаштирилмаган пастқам жойларда шўрхоқлар кенг тарқалган. Суғориладиган ерларнинг 32% шўрланган, 25% кучсиз шўрланган, 16% шўрхоқлардан иборат. Ўсимликлардан лолақизғалдоқ, бойчечак, чучмома, қоқи ялпиз, исмалоқ, янтоқ, шўра, шувок, кўнғирбош, кўзиқулоқ, туятовон, қуёнсуяк. жузғун, қовул, оққурай, қилтиқ, каррак, ранг, илоқ, бетага, қиёқ, қамиш, юлғун, оқбош, қушқўнмас, наъматак, мингбоши, читир, ғумай, печак, саксовул, ҳар хил буталар, жийда, дўлана, тол, терак, қайрағоч, оқ акация, заранг, шумтол ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан: жайра, тулки, бўри, чиябўри, қобон, жайран, нутрия, ондатра, кўрсичқон, сувкаламуш, типратикан, юмронқозик, калтакесак, илон, тошбақа, фаланга, чаён, қорақурт; қушлардан хўжасавдогар, мойқут, булдуруқ ва б. бор.

Грунтнинг юқори қисми тукма грунтлар, пастда супес ва сугленок, қум ва глиналар жойлашган. Жойнинг релефи асосан текслик, умумий жанубий – ғарбга қия жойлашган, литалогияси аллювиал ва пролювиал юқори тўртламчи давр ётқизиқларидан иборат (alp QIII). Грунт бетонга нисбатан таъсирчансиз. 7 балли сейсмик ҳудуд лекин ҳисоби 8 баллга ҳисобланади. Мен лойиҳалаётган кўприкнинг муҳандис – геологик структураси тасниф қуйидагича

Ер ости суви бетонга агрессив эмас, грунтнинг музлаш чуқурлиги 0,49м ва грунтнинг сейсмик жихатдан ишлаш 3-категория қлиб белгилинган

УМУМИЙ БЎЛИМ

Менга кафедра томонидан топширилган **М-34 Тошкент-Душанбе автомагистрал йулининг 94 кмда қурилаётган Бахт шаҳар савдо мажмуаси учун (ВЖД) ички темир йул коллектори устида қурилиши режалаштирилган автомобиллар ва пиёдалар утиш копригини ишчи лойҳасини ишлаб чиқиш “Сирдарёавтойўл” ХЙФТ томонидан берилган техник топшириқ асосида бажарилган. Лойиҳалаш қисми Сирдарё вилоятининг Бахт шаҳрида жойлашган . Кўприкнинг узунлиги - 24,60 м. Кўприкнинг габарити 13,20м. Кўприк схемаси 6+12+6**

КЎПРИК КОНСТРУКЦИЯСИ

Кўприкнинг узунлиги - 24,60 м.

Кўприкнинг габарити 13,20м. шу жумладан.

-2+2x4+2

2,0м – пиёдалар йўлаги кенглиги. Пиёдалар йўлаги умумий кенглиги– 2,60м.

1м – Хавфсизлик тасмаси.

2x3,0м – ҳаракат қисми тасмаси.

Кўприк схемаси 6+12+6;

Плитали оралиқ қурилмалар 3.503.-12 сонли 384/43 инвентари андозавий лойиҳа асосида ишлаб чиқилган.

Қирғоқ таянчлар икки қаторли қозикли асосда. Қозик узунлиги СМ8-35Т3 грунтнинг кўтариш қобилятига асосан топилди, сони – 44дона. Грунтнинг кўтариш қобиляти _____т. битта қозикқа тушувчи оғирлик _____т.

Сарровлар 3.503.1-79 андозавий лойиҳа асосида арматураланди. Оралиқ таянчлар икки қаторли қозикли асосда. Қозик узунлиги СМ12-35Т3 грунтнинг кўтариш қобилятига асосан топилди, сони – 44дона. Грунтнинг кўтариш қобиляти _____т. битта қозикқа тушувчи оғирлик _____т.

қозиклар олдиндан бурғилаш ёрдамида қоқилади. Сарровлар 3.503.1-79 андозавий лойиҳа асосида арматураланди.

Кўприкдаги ҳаракат қими конструкцияси қуйидагича танлаган:

-Тексилоччи қатлам - $h=3$ см. Бетон В-25 ГОСТ 26633-91.

- намтўсгич 2 қаватли «линокром» $h=1$ см.

- ҳимоя қатлами - $h=4$ см. Бетон В-25 с сеткой 6,5 АІ тўр.20x20 см.

- асфальтобетон зич майда донали иссиқ Б типдаги I маркали ГОСТ 9128-97 $h = 7$ см.

Кўприкнинг кўндаланг кесимида 13 та плита ўрнатилади. Плиталар резина –металли таянчиқларга ўрнатилади. РОЧ СП 15x35x4см. кўприкнинг ўқи сув ўзани ўқиға нисбатан 90 градусда кесишади.

Пиёдалар йўлаги конструкцияси тўсиғи баландлигини 15см

кўтариш 3.503-1-81 андозавий лойиҳа асосида бажарилди ва улар Т-75-15 пиёдалар блоклари ташкил топган.

КЎПРИКНИ ҚИРҒОҚ БИЛАН ТУТАШМАСИ

Кўприкнинг қирғоқ билан туташмаси 3.503-41 андозавий лойиҳа асосида ишлаб чиқилади.

Туташма кўприк қирғоқ таянчи орқа деворчаси ортига грунт тўшаб. Узунлиги 4м бўлган индиудал ўтказиш плиталарини ўрнатиш асосида ишлаб чиқилган.

Ўтказиш плиталари кўтарма тарафга қиялатиб қурилади ва унинг бир тарафи қирғоқ таянчи орқа деворчасига мустаҳкамланиб, иккинчи тарафда яхлит ётиқ таянчга ўрнатилади ва кўприкни қаттиқдан юмшоқга ўтишини таъминлайди.

ҚУРИЛИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УЧУН КЎРСАТМАЛАР

Қурилиш ресурслари

Кадрлар

Қурилишни ташкил қилиш учун керакли кадрлар мажмуаси корхонадаги мавжуд кадрлар жамоаси билан тўлғазилади. Транспорт ташиш масалалари қўшимча автотранспорт корхоналарини жалб қилиш билан амалга ошириш мумкун. Қурилиш конструкциялари, махсулотлар. Деталлар, ярим тайёр махсулотлар, материал ва жихозлар. Иш хажмлари ва керакли бўлган бошқа материаллар хаимлари смета хужжатлари қисмида кўрсатилган. Қурилиш машиналари, механизмлар ва транспорт воситалари.

Қурилиш машиналарига бўлган талаб, механизмлар ва тарнспорт воситалари қурилишдаги технологик жараён талаби асосида ишлаб чиқилган.

Асосий қурилиш машиналари, механизмлар ва транспорт воситалари талаби

ЖАДВАЛИ

Жадвал 1

№	Номланиши	Микдор
1	Бульдозер 108 л.с., 79 кВт.	1
2	Экскаватор	1
3	Кўчма инвентар бетон заводи - 7,5 м ³ /соат	1
4	Силлиқ йўл котоги - 13 т	1
5	Пневма ғилдиракли силлиқ коток — 16 т	1
6	Битум иситиувчи ўчоқ	1
7	Қозиқ қоқғич	1
8	Треллер	1
9	Тягач 30т	1
10	Бурғалаш машинаси УРБ	1
11	Пневма ғилдиракли кран- 25 т	2
12	Сув пуркагич машина — 6000 л	1
13	Асфалтётказгич “Vogle”, “Super 1502”	1
14	Бир ковушли эксковатор - 0,65 м ³	1
15	Компрессор (давленаси 10м ³ /мин- 800кПа)	1
	Механизмлар (вибраторлар, САК, газосварка)	по 2

Жадвал 2

п	Номланиши	Инв.	Майдон,	Изох
п		№	кв. м	
1	2	3	4	5
1	6 киши учун ишлаб чиқариш	420-15-29	18	
2	Анжомлар хонаси	420-01-15	18	
3	Материаллар омбори	420-04-06	18	
4	Цемент омбори	420-04-19	18	
5	Тўкма материаллар омбори	420-04-19	18	
6	Металл омбори	420-04-19	18	
7	Оралиқ қурилмалар омбори	420-04-19	140	

8	Қозиклар омбори	420-04-19	100	
9	Компрессор хонаси	420-04-19	30	
10	Арматура-дурадгор цехи	420-04-19	30	
11	Хожатхона	420-04-23	12	
12	Ишлаб чиқариш чиқиндилари	PBC-25	12	
13	Майда махсулотлар омбори	420-04-19	30	
14	Қум қуриштиш	420-04-19	30	
15	Ёқилғи омбори		60	

Қурилиш майдони қўшимча таъминоти қуйидагича:

электроэнергия — Электр симлари ёки қўчма ЖЭСлар ёрдамида;

сиқма хаво - қўчма компрессор;

- ишлаб чиқариш ва ишчилар учун сув - 4 км.

- иссиқлик - электроиситгичлар, шунингдек ўчма электроистигичлар;

Тахминий иссиқлик ва электроэнергияга бўлган талаб «Расчетных показателей для составления проектов организации строительства» (Москва, ЦНИИОМТП, 1974 г.). асосида ишлаб чиқилган.

Жадвал 3

Номланиши	Ўлчов бирлиги	Хажми	изох
Электроэнергия	кВт	16	
Сиқма хаво	м ³ /мин	5,9	
Кислород	м ³ /йил	32000	
Ёқилғи	т/йил	460	

Қуриш майдонида ёқилғи қуриш жойи кўзда тутилган. Қурилиш майдони тайёрлаш даврида жойлаштирилади.

Қурилишни давомийлиги СНиП 1.04.03-85 асосида ____ ойни ташкил

қилади, шу жумладан 1 ой тайёргарлик ишлари.

Таянч констукциялари, оралик қурилмалар, материалар ва ярим тайёр махсулотлар смета хужжатларида кўрсатилгандек ташиб келтирилади.

Кўприк қурилиши 2 босқичда бажарилади:

Тайёргарлик ишлари ва асосий ишлар. Тайёргарлик ишларига қуйидаги ишлар киради:

1. Лойиҳа-смета хужжатларини қабул қилиш ва ўрганиш.

2. Кўприк ва таянч ўқларини боғлаш бўйича комплекс геодезик ишлар.

Ишчи майдон ва олиб чиқувчи вақтинча йшларни қуриш.

Ёрдамчи-вақтинчалик бино ва иншоотларни қуриш.

Қурилишни электроэнергия билан таъминлаш.

АТРОФ-МУХИТ ВА МЕХНАТ МУХОФАСЗАСИ

Қурилиш-монтаж ишлари даврида КМК 3.01.02-2000 муофиқ техника хавфсизлига ва КМК 3.06.04-97, КМК 3.06.03-96.га муофиқ ишлаб чиқраиш талабларига риоя қилиниши керак.

Қурилиш ишлари бошлангунга қадар, хавфсизлик мақсадида юк кўтариш кранлари харакатланувчи майдолар техника хавфсизлигини кўрсатувчи плакатлар осилиши шарт.

Иш бошлангунга қадар хар бир ишчи ходим ГОСТ 12.1.004-85 бўйича хавфсизлик қоидаларини ўрганишлари шарт.

Кўприк қурилиш даврида атроф мухит мухофазасини таминлаш учун қуйидаги ишлар бажарилиши шарт:

Қурилиш майдони ва унга олиб борувчи йўллар қурилишида иложи борича кенгроқ экин майдонларидан фойдаланиш керак.

Қурилиш майдонига тушаётган ўсимлик қатлами кесиб олиниб кейинчалик ишлатиш учун олиб қўйилиши шарт.

Қурилиш чиқиндилари махсус жойларга атроф мухитга тасир кўрстамаслик учун олиб борилиши шарт.

Чиқиндларни каналга ташлаш тақиқланади.

қуйидаги ишлар қурилиш ишлари якунлангандан сўнг бир ой ичида бажарилиши керак: қурилиш майдонидаги вақтинчалик иншоотларин йиғиш, ер майдонини текислаш ва чопиқ ишларини ўтказиш, кўпик олди ва ости майдонларини тозалаш.

Юқорида қайд этилган ишлар кўприкни фойдаланишга топширгунга қадар иш топшириш далолатномаси асосида бажарилиши шарт.

ХУЛОСА

Кафедра томонидан менга берилган топширикка асосан “А-373, “М-39” Гулистон-Бўка-Кўкон-Андижон-Ўш” автомобил йўлининг 0 кмдаги чап томонида жойлашаган кўприкнинг тўла таъмиралш лойиҳалаш ва вурилишини топширилган, бажарган битириув малакавий ишимни қурилишини лойиҳалаш давомида асосан қурилиш даврида лойҳачи томонидан лойиҳаланган ва қурилишда талаб қлинган меъёрий хужжатлар ва атроф мухит ва меҳнат муҳофазаси тадбирларига риоя қилиш асосида бажарилди. Ушбу битириув малакавий ишимни қурилишини лойиҳалаш давомида мен битириув олди амалиётимни ўтаган лойиҳа корхонасида битириув малакавий ишим учун керак бўладиган барча зарур маълумотларни тўпладим ва устозларим кўмагида ҳамда менга берилган топшириқдан узоқлашмаган ҳолда бажардим.

Ушбу кўприкни лойиҳасини бажариш жараёнида, лойиҳачи корхоналар томонидан бутун дунё таълабларига мос ва ҳос қлиб Республика кўприклари оарсида энг биринчи замонавий юкланишлар ва бошқа халқаро меъёрларни ўз ичига олган ҳолда бажарилган бўлиб, у бугунги кундаги энг замонавий компютер программалари (Credo, AutoCad, CorelDRAW, MasMat, IndorCad, Lira ва бошқалар) асосида амалга оширилган.

Қурилишда иш олиб бориш жараёнида маслаҳатчи устозларим томонидан берилган атроф мухит ва меҳнат муҳофазаси кўрсатмаларга таяниб бажардим, қайсиқий қурилишда машина механизмлар бн ишлаганда хар бири учун кўзда тутилган техника хавфсизликлари билан таништириш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш ва атроф мухитга зарар келтириш мумкин бўлган нарсалардан қочиш ва қурилишда чиқадиган чиқиндиларни лойиҳада кўрсатилган жойга олиб бориб ташлаш ва ҳақозо шунга ўхшаш кўрсатмалар.

Умумий хулоса ўрнида шунга айтишим мумкики бугунги кунда Реапубликамизда 6 мингдан зиёд кўпригимиз бўлса шулардан 75% га яқини эски кўприклардан эканлиги ачинарли ҳолат, лекин юртбошимиз ташаббулари билан амалга оширилаётган чора тадбирлар бугунги кунга келиб ўз самарасини бермоқда яники кўприкларимиз ва йўлларимизга алоҳида этибор қаратилмода ва бунинг натижаси сфатида ҳозирги кунга келиб қурилаётган кўприкларимизни кўплиги деярли Республикамиздаги барча кўприклар паспаризатсия қлиниб уларнинг ҳолати ўрганилиб керакли ва тегишли чора тадбирлар амалга оширилмоқда ва биз ёш мутахасислардан сўралаётган қлинадиган асосий таълаб бизнинг лойиҳалаб қурадиган кўприкларимиз ҳам мустаҳкам, узоқ муддатга ишлайдиган, архитектуравий ландшафтга мос келиши ва иқтисодий самарали бўлишидир.

Келажақда олийгоҳда олган назарий ва амалий барча блимларимни қўллаб шундай мустаҳкам, узоқ муддатга хизмат қиладиган машхур кўприкларни лойиҳалимиз ва қураимиз деган умиддаман. Бундай кўприклар Республикамизни оброси, ривож ва тарақиёти ун хизмат қилади деб ўйлайман.

БМИ ни бажаришда яқиндан ёрдам берган барча устозларимга, илмий раҳбаримга ўз минадорчилигимни билдираман эътиборингиз ун раҳмат.

Фойдаланилган адабиётлар ва меъёрий хужжатлар

- 1 КМК 2.05.03-95 - «Кўприklar ва қувурлар»
- 2 КМК 2.06.03-96 - «Сейсмик районларда қурилиш»
- 3 СНиП П-7-81 *- «Строительства в сейсмических районах»
- 4 КМК 2.02.03-98- «Қозикли пойдеворлар»
- 5 КМК 9.03.01-96 - «Бетон ва темирбетонли конструкциялар»
- 6 ШНК 2.05.02-07 - «Автомобил йўллари»
- 7 ВСН 25-86-96- «Автомобил йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрсатма»
- 8 ГОСТ 2.34.57-86- «Технические средства организации дорожного движения»
- 9 СНиП 3.01.01-85- «Организация строительного производства»
- 10 КМК 3.06.04-97- «Кўприklar ва қувурлар»
- 11 КМК 3.06.03-96- «Автомобиль йўллари»
- 12 КМК 3.01.02-00- «Қурилишда техника хавфсизлиги»
- 13 КМК 3.04.02-97- «Қурилиш конструкциялари ва иншоотларини коррозиядан ҳимоялаш»
- 14 КМК 3.01.04-99- «Тамомланган қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиш»
- 15 СНиП 1.04.03-85 - «Нормы продолжительности строительства и задела в строительстве предприятий, зданий и сооружений»
- 16 Саламахин, Н.П.Лукин и другие. Мосты и искусственные сооружения на

автомобильных дорогах. I-II часть. М, Транспорт 1991.

17 Иосилевский л.и. Практические методы управления надёжностью железобетонных мостов. М., НИЦ., Инженер, 1999

18 Интернет сайтлар:

www.Bridge.com

www.5ballov.ru

www.ZiyoNet.uz